

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" деб юритилувчи "УҮСНІ FAYZI" МЧЖ номидан иш кўрувчи Ғ.Низамов бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "ХАРИДОР" деб юритилувчи Уйчи туман мактабгача таълим бўлими номидан раҳбари Э.Тўрабосева иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома бўйича "Харидор"га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги озик-овкат маҳсулотларини (кейинги уринда маҳсулот деб аталади) шартноманинг 1- иловасига мувофиқ мактабгача таълим ташкилотлари кесимида етказиб бериш, "Харидор" эса етказиб берилган маҳсулотларни қабул қилиб олиб, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси	Етказиб бериш муддати
1	Ўсимлик ёғи	литр	177,00	15 000,00	2 655 000,00	Январь
2	Шакар	кг	620,00	9 000,00	5 580 000,00	Январь
3	Сариқёғ 82,5%бли	кг	326,00	44 000,00	14 344 000,00	Январь
4	Пишлоқ	кг	85,00	45 000,00	3 825 000,00	Январь
5	Мол гўшти	кг	366,00	60 000,00	21 960 000,00	Январь
6	Товуқ гўшти	кг	110,00	20 000,00	2 200 000,00	Январь
7	Тухум	дона	800,00	950,00	760 000,00	Январь
8	Макарон	кг	45,00	7 000,00	315 000,00	Январь
9	Перловка	кг	20,00	7 000,00	140 000,00	Январь
10	Манная крупа	кг	15,00	10 000,00	150 000,00	Январь
11	Мева қиёми (повидло)	литр	25,00	13 000,00	325 000,00	Январь
12	Какао	кг	3,00	66 000,00	198 000,00	Январь
13	Кўк чой	кг	7,00	24 000,00	168 000,00	Январь
14	Томат пастаси	литр	8,00	18 000,00	144 000,00	Январь
15	Йодланган ош тузи	кг	20,00	1 500,00	30 000,00	Январь
Жами:					52 794 000, 00	

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- Мазкур шартноманинг баҳоси 52 794 000, 00 эллик икки миллион етти юз туксон тўрт минг сум
- "Харидор" олинadиган маҳсулотлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни 30 фоиз аванс тўловини олдиндан "Етказиб берувчи" ҳисоб рақамига ўтказиб беради.
- "Етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 10 кун муддатда маҳсулотларни "Харидор"га етказиб беради.
- "Харидор" тақдим этилган ҳужжатларга асосан 90 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.
- Етказиб берилган маҳсулотлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Харидор"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:
"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Олинadиган маҳсулотлари "Харидор"га транспортда ташилганда "Етказиб берувчи"дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ берилadиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги маҳсулотлари етказиб берилишини талаб қилиш; мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қоплалишини "Етказиб берувчи"дан талаб қилиш.

Ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

3.2. "Етказиб берувчи" қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган маҳсулотлари учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилилишини Харидордан талаб қилиш;

"Харидор"га маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ "Харидор" буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарада бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Харидор" муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган маҳсулотларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.4. "Харидор" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд маҳсулотларининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Хом ашё маҳсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган хом ашё маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарада бажаришдан ва хом ашё маҳсулотлари етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.2. Етказиб берилган хом ашё маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Харидор" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустақил равишда уларни судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита туманлараро иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир. VII. ФОРС-МАЖОР

7.1. Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер кимирлаш, сел келиш каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартларини бажариш маъсудиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

VIII. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома «Харидор» ва «Етказиб берувчи» томонидан тасдиқланиб, туман газначилик бўлини маси томонидан руйхатдан утказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил «31» декабрга қадар амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР


9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

JX03522226

"ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ"	
"УУСНИ ФАЙЗИ" МЧЖ	
Манзили	Уйчи туман Тепасарой МФЙ
Корхона/банк	Миллий банк Уйчи филиали
Ҳисоб рақами	2020 8000 9054 1295 1001
ОКОНХ	
МФӨ	00877
ИНН	308657164
	
"УУСНИ ФАЙЗИ" МЧЖ раҳбари	
 F. Низомов	

"ХАРИДОР"	
Уйчи туман мактабгача таълим бўлими	
Манзили	Уйчи туман Уйчи ШФЙ Шифокор МФЙ
Ҳисоб рақами	100022860142297091100251039
ОКОНХ	85100
МФӨ	00014
ИНН	305150980
Газначилик	Ўз.Рес молия вазирлиги газначилиги
К/р	2340200030010000010
Банк номи	Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси ХККМ
МФӨ	00014
ИНН	201122919
Уйчи туман мактабгача таълим бўлими раҳбари	
 Э.Тўрабоева	